

НАВОИЙ ВИЛОЯТ  
СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ  
БОШҚАРМАСИ  
НУРОТА  
ТУМАН ТИББИЁТ  
БИРЛАШМАСИ



NAVOIY VILOYAT  
SOG'LIQNI SAQLASH  
BOSHQARMASI  
NUROTA TUMAN  
TIBBIYOT BIRLASHMASI

Navoiy viloyati Nurota tuman Tibbiyot birlashmasi U.Yusupov ko'chasi № 32-uy.  
Tel: 79-52-3-11-40 79-52-3-14-05. [nurotattb@umail.uz](mailto:nurotattb@umail.uz)

**Б У Й Р У Қ**

" 14 " 01 2022 йил

№ 9

Нурота тумани

**Бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлардан мақсадли ҳамда самарали фойдаланиш мақсадида тиббиёт бирлашмаси харид комиссиясини тузиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 2 апрелдаги "Давлат харидлари тўғрисида"ги ЎРҚ-684-сонли Қонуни ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 27 сентябрдаги "Ўзбекистон Республикасининг "Давлат харидлари тўғрисида"ги қонунини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-3953-сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида **буюраман:**

1. Бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан товарлар харид қилиш ҳамда хизматлар кўрсатишда энг арзон ва сифатли маҳсулотлар таклифини ўрганиш мақсадида харид комиссияси **1-иловага** мувофиқ тасдиқлансин.

2. Танлов комиссиясига:

2.1. Товарлар (хизматлар) харид қилишда Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 22 апрелдаги ЎРҚ-684-сонли "Давлат харидлари тўғрисида"ги қонуни ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 27 сентябрдаги "Ўзбекистон Республикасининг "Давлат харидлари тўғрисида"ги қонунини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-3953-сонли қарори талабларидан келиб чиққан ҳолда маҳсулот етказиб берувчи (хизмат кўрсатувчи) ташкилот ёки корхоналарнинг энг яхши таклифларини электрон шаклда ўрганган ҳолда ҳаққоний қарор чиқариш юклатилсин.

2.2. Комиссия таркибидаги мутахассисларнинг ўрнига янги ходимлар тайинланган ҳолларда янги тайинланган ходим комиссия таркибига киритилсин.

3. Тиббиёт бирлашмаси ҳисобхонасига

3.1. Товарлар (хизматлар) харид қилишда эълон, аукцион савдо ва конкурсларнинг Республика Товар-хом ашё биржаси электрон порталига жойлаштириш, шартномаларни савдо натижалари ва харид комиссияси қарорига асосан тузиш, шартномаларни ғазначилик бўлинмасидан белгиланган рўйхатидан ўтказиш ва тўловларни амалга ошириш юклатилсин.

4. Ушбу буйруқ ижроси юзасидан назоратни ўз зиммамда қолдираман

Бирлашма бошлиғи

Ш.Қ.Халилов



Нурота туман тиббиёт  
бирлашмасининг “ 14. 01 ”  
2022 йилдаги 9 -сонли  
буйруғига 1-илова

**Бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан товарлар харид қилиш  
ҳамда хизматлар кўрсатишда энг арзон ва сифатли маҳсулотлар таклифини  
ўрганиш мақсадида харид комиссияси**

| №  | Хадимнинг Ф.И.Ш                   | Эгаллаб турган лавозими                         | Комиссиядаги ўрни |
|----|-----------------------------------|---|-------------------|
| 1. | Халилов Шавкат Қодирович          | ТТБ бошлиғи                                     | Комиссия раиси    |
| 2. | Юсупов Улугбек Усмонович          | Бош врач даволаш ишлари бўйича ўринбосари       | Аъзо              |
| 3. | Имомов Ибодилло                   | Бош врач иктисодий масалалари бўйича ўринбосари | Аъзо              |
| 4. | Исматова Мавжуда<br>Хайриддиновна | Ички дорихона мудираси                          | Аъзо              |
| 5. | Ибодов Исмоил                     | ТТБ қурилиш муҳандиси                           | Аъзо              |
| 6. | Исломов Мирзоҳид                  | ТТБ хўжалик мудир                               | Аъзо              |
| 7. | Боназаров Наим                    | ТТБ муҳандиси                                   | Аъзо              |